O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 22-FEVRAL ■ SHANBA ■ 22 (27.042) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Рақамлар сўзлайди

2002 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 4,2 фоизга ортди, саноат маҳсулотлари — 8,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — 6,1 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш эса 11,8 фоизга кўпайди.

Янги фильм тақдимоти

Тошкент Давлат техника университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати, Ўзтелерадиокомпания, «Ўзбектелефильм» студияси ҳамкорлигида суратга олинган «Ёруғлик» ҳужжатли фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Фильмда, асосан, мустақиллик йилларида мамлакатимиз нефть ва газ соҳасида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни, нефть-газ саноатининг шаклланиш тарихи, тармоқдаги мавжуд муаммолар, сабоқлар ҳамда қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Фильмда таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқлолнинг ўтган даври мобайнида нефть-газ саноатини ривожлантириш, техникавий жиҳозлаш ва қайта таъмирлаш, янги конларни ишга туширишга жиддий эътибор қаратилди. Бунинг самараси ўлароқ, Ўзбекистон янги минг йилликка нефть ва газ саноатида улкан салоҳиятга эга мамлакат сифатида қадам қўйди. Ваҳоланки, ўтган асрнинг 80-йилларида мамлакатимизга ҳар йили ўртача 6 миллион тонна нефть маҳсулоти четдан ташиб келтирилар эди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар ушбу фильм мамлакатимиз нефть-газ саноатида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи муҳим манба бўлганини алоҳида таъкидлади.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

Баркамол авлод орзуси

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, — деган эди республикамиз Президенти Ислом Каримов, — муболағасиз айтиш керакки, кўзланган мақсадимизнинг моҳияти, асоси бўлиши лозим». Айни шу мақсадда республикамизда мактаб, академик лицейлар, коллежлар қурилишига тобора катта эътибор бермоқда.

Бугун мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида бири-биридан гўзал ва муҳташам ўқув масканлар барпо этилмоқда. Бундан ўн-ўн беш йил илгари бундай шароит ва имкониятлар тушимизга ҳам кирмаган эди. Ёшларимиз замонавий касб-ҳунарларни, жаҳон тилларини ўрганишмоқда.

Гулистондаги хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернатда ҳам 320 нафар ўқувчи тажрибали педагоглар жамоаси ёрдамида инглиз, француз, немис ва араб тилларини пухта ўрганишмоқда. 340 ўринга мўлжалланган мактаб биноси ўтган ўқув йилида тўла таъмирдан чиқарилиб, замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозланди. Билим маскани анъанавий «Йил мактаби — 2002» танловида ғолиб чиқди.

Абдуғани СОДИҚОВ



Суратларда: *мактаб ўқувчилари ҳаётидан лавҳалар.*
Илҳом ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Мева кўпайсин десангиз, кўчат экинг, боғ қилинг!

ЁКИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЯНГИ БОҒ-РОҒЛАР ВА ТОКЗОРЛАР БАРПО ЭТИШГА НЕГА ЕТАРЛИ ЭЪТИБОР БЕРИЛМАЯПТИ?

Боғ-роғ, токзор яратган одам ҳеч қачон кам бўлмаган. Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ҳудудидаги туманларда ҳам бир пайтлар ўрикзор боғлар кўп эди. Мевасини еб тўймас эдингиз. Ҳозир қани, у ўриклар?! Қаровсизликдан, парвариш топмаганидан ва зарарли ҳашаротларга қарши кураш олиб борилмаганлигидан қуриб қолди ҳаммаси. Масалан, Тўрткўл, Беруний, Амударё, Хўжайли туманлари хўжаликларида ва ҳатто деҳқонларнинг томорқаларида анжирнинг кўп бўлганлигини яхши биламиз. Ҳозир бир туп ҳам анжир тополмайсиз. Одамлар айни пишиқчилик пайтида анжирхўрлик қилиш учун Хоразм вилоятининг Урганч, Хива, Гурлан туманларига боришади.

Тўғри, кейинги уч йилда сувсизлик ва қурғоқчилик боғдорчиликка ҳам салбий таъсир кўрсатди. Лекин тадбиркор боғбонлар мевазорларни имкон борича кенгайтириш йўлларини қидирдилар. Шароитга мос олма, ўрик, шафтоли, олхўри, анжир, узум каби мевали дов-дарахтлар экиш саъй-ҳаракатини қилдилар. Андижон, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларидан сархил кўчатлар келтириб, уларнинг парваришини йўлга қўйдилар. Бироқ, бу анча қиммат сарф-харажатга тушди. Бунинг устига Қорақалпоғистон шароити, иқлими, сув ва тупроғига ҳамма ниҳоллар ҳам чидам беравермайди. Шундан сўнг республикамиз мутахассисларида фикр туғилдики, Беруний, Кегейли туманларидаги мева ва ток кўчатлари етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар фаолиятини тубдан яхшилаш керак...



Қалила ЕШИМБЕТОВ, Беруний туманидаги «Олмазор» мева кўчатлари етиштириш ижара хўжалиги раиси: *— Хўжалигимиз 1991 йилда «Олмазор» хўжалик ҳисобидаги участка бўлиб ташкил қилинган. 1994 йилга келиб, у мустақил хўжалик бўлди. Ўша йилнинг май ойидан бошлаб мева кўчатлари етиштирила бошланган. Кейинчалик хўжалик қаровсиз қолиб кетган. Боз устига, раҳбар тез-тез алмашаверган. Улар истиқболли режалар билан ишлаб улгурмаганлар.*

2-БЕТ

«Обод маҳалла йили»да ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада кучайтириш ва бу борада тегишли чора-тадбирларни белгилаш муносабати билан республика «Маҳалла» хайрия жамғармасида йиғилиш бўлиб ўтди.

«Маҳалла»да маслаҳат

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг 2002 йилдаги фаолияти якунлари ва жорий йилда амалга оширилажак вазифаларга бағишланган тадбирда мутасадди ташкилот ва муассасалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда, жамғарманинг ўтган йилги молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида Тафтиш комиссиясининг ахбороти, шунингдек, айни кунда долзарб бўлган «Соғлом оила» спорт мусобақалари танловининг Низомини тасдиқлаш бўйича маърузалар тингланди. Мажлисда кун тартибидаги масалалар бўйича йиғилганларнинг фикр ва таклифлари эшитилиб, шу асосда тегишли хулосалар чиқарилди.

Анвар САМАДОВ

● ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

Кредит беришнинг антиқа «усули»

ЁКИ БИР БОЙ ТАДБИРКОРНИНГ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚАРЗГА БОТИБ ҚОЛГАНИ ХУСУСИДА

Абдуманнон ака Жиззахдаги энг олди тадбиркорлардан бири эди. Бошқарувидаги «Ўктамжон» фирмаси орқали эҳ-ҳе қандай қурилишлар қилмади дейсиз: кичкина-кичкина дўкончаларни қуришдан тортиб, Жиззах туман ҳокимлиги биносининг ички ва устки таъмиригача худди шу фирма қўлидан ўтди. Пойтахти азим Тошкентдан ҳам буюртмалар тушарди ўшанда. Дарвоқе, Темирйўлчилар маданият саройи яқинидаги 2 та кўп қаватли уйни фирма тиккалаганди. Жиззах шаҳридаги «Кимёгар» маҳалла гузарининг маҳалла қўмитаси хонаси, милиция участка пункти, тиббиёт хонаси, мажлислар зали, чойхона... «Ўктамжон» фирмаси қурган иншоотлар номини яна давом эттириш мумкин.

Лекин булар ҳаммаси тарихда қолди. Бир вақтлар ўз тадбиркорлиги билан донг таратган ишбилармоннинг бугун боши қотган. Ҳисоб рақамида миллионлар ўйнаб юрган тадбиркор энди қарз ботқоғига ботиб бораяпти. Кеча унинг эшигига қарз сўраб келган бўлсалар, бугун унинг ўзи эшикларни тақиллатиб пул излаб юрибди.

Аслида, ҳаммаси ўша машҳурликдан бошланди. Биласиз, тадбиркорнинг чўнтагига уч-тўрт сўм пул тушса унга эга — хўжайин кўпаяди. Уни ҳомийлик ишига торта бошлашади. Спорт мусобақаси бўлаяпти, қани пул ўтказинг-чи. Фалон жойда байрам ўтказилиши керак, ташкилий ишлар учун озроқ пул. Ободонлаштиришга 3-4 сўм. Хуллас, у ёққа ўтказ, бу ёққа ўтказ, каби ихтиёрий-мажбурий ҳомийлик ишларининг жабри бечора тадбиркор бошига тушади. Топаётган 2 сўм пули ҳеч 4 сўм бўлмайди. Тадбиркор нима қилсин, «мажбурий ҳомий»ликка мажбур-да. Агар бўйин товласа «синиб» қолиши мумкин. Айрим раҳбар акалар бундай «ўжар»ларнинг попугини пасайтириб қўйишни яхши билишади. Акалар эса «ободонлаштирдим, тадбир ўтказдим» деб ахборот бериши керак, сўровчилар бор. Улар «қандай қилиб, нима ҳисобидан бажардинг?» деб узун савол беришмайди. «Бажардингми?», қисқа қилишади. Қани, узун жавоб бериб кўр-чи...

2-БЕТ

Уч эгизак жажжи юрак тилак

Қуёшсиз гуллар очилмайди. Севгисиз бахт йўқ. Аёлсиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам... ҳаёт ҳам бўлмайди.

Юнусобод тумани «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласи оқсоқоли, профессор Эркин Худойбердиев уч кун илгари таҳририятимизга хушхабар билан келди: маҳалла ҳудудидаги 15-мавзе, 56-уй, 35-хонадон соҳибаси Элмира Йўлдошева бир йўла уч фарзанднинг онаси бўлибди!

Биз домла билан биргаликда республика Перинитал марказига бордик. Бош шифокор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач А.Любчич она ва болаларнинг соғлиғи қониқарли аҳволда эканлигини айтди.

— 11 февраль соат 18 дан 32 минут ўтганда биринчи қиз фарзанд дунёга келди, — дейди у. — Оғирлиги 2 кг. 200 грамм. Орадан бироз вақт ўтиб, иккинчи чақалоқ туғилди — ўғил. У эса 2 кг. 600 грамм, яна икки дақиқа ўтиб учинчи фарзанд қиз ёруғ оламни кўрди. Унинг оғирлиги 3 кг.

Бахтли ота-она Элмира Йўлдошева ва Мақсуд Бозорбоевлар оиласида уч эгизакдан ташқари яна икки қиз улғаймоқда. Индира 10 ёшда, Жамила эса саккизинчи баҳорни қаршилаш арафасида.

— Биз ўғил кўриш орзусида эдик. Оллоҳнинг марҳамати билан ниятимизга қўшалоқ етишдик. Мен она сифатида бир гапни айтишни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан. Бу шифохонада оналар ва болалар учун барча шароитлар яратилган экан. Марказ жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий тиббий асбоблар билан тўлиқ таъминланган. Кенг ва ёруғ хоналар кишининг баҳри-дилини очади. Меҳрибон шифокорлардан Аделина Любчич, Фотима Носирова, Лаъли Тоирова, Сергей Тараян ва ҳамширалардан миннатдорман, — дейди Элмира Йўлдошева.

— Бу бахтли оилада туғилган уч эгизак, илоҳим, келажакда ажойиб инсонлар бўлиб вояга етишсин. Уларнинг қадами маҳалламизга қут-барака, қувонч олиб келсин, — дейди оқсоқол Эркин Худойбердиев.

Элмира Йўлдошеванинг касби педагог. Турмуш ўртоғи муҳандис. Уларга уч эгизак, уч жажжи юрак, уч тилак муборак бўлсин.

Шоир айтганидек:

Ҳар гўдакни мўъжиза билинг,
Қутқариши мумкин дунёни.

Фаррух ҲАМРОЕВ

✧✧✧

Суратда: Элмира Йўлдошева (ўртада) фарзандлари ва шифокорлар билан.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Янги уйларга кўчишди

Улуғнор туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида ўнта оила уй тўйларини ўтказишди. Ўн икки сотих томорқага эга бўлган шинам коттежлар қишлоқ аҳолисига текин берилди.

Турар жойлар қишлоқ инфратузилмасини ва чўлқуварларнинг турмуш шароитини яхшилаш дастури бўйича вилоят ҳокимлиги маблағлари ҳисобидан қурилди. Худди шундай уйлардан «Истиқлол», «Пахтаобод», «Жалолқудуқ», «Улуғнор» ширкат хўжаликларида, жами 200 та қурилди. Мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинган 2003 йилда туманда яна 248 ўринли мактаб ва қишлоқ врачлик пункти қурилиши мўлжалланмоқда.

«Туркистон-пресс»

Бизнес Банк
Энг яхши анъаналарда

Инсонпарварлик ёрдами

Яқинда Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Мартин Хеккер ва элчихона вакиллари Фарғонага ташриф буюрдилар. Элчи жаноблари вилоятда сил касалликларига қарши кураш лойиҳаси бўйича дори-дармонлар, лаборатория ва ташхислаш тиббий анжомларини вилоят шифохонасига топшириш маросимида иштирок этди. Вилоят сил касалликлари шифохонасига 36 та музлатгич, 229 минг 167 евролик лаборатория ва диагностика анжомлари, 333 минг евро қийматидаги дори-дармонлар инсонпарварлик ёрдами, беғараз кўмак сифатида топширилди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Газета мақолалари хўжаликда муҳокама этилади

Қамаши туманидаги «Тўқбой» хўжалигининг ХДП бошланғич партия ташкилоти котиби Шодиёр Боймирзаевнинг айтишича, тўқбойлик деҳқонларнинг ишлари йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Улар ўтган йили 700 гектар ерда ғалла, 920 гектар ерда пахта етиштириб, мўл ҳосил олдилар. Йил якуни ҳисобкитобига кўра, деҳқончиликдан олинган 461 миллион сўмлик умумий даромаддан 161 миллион сўми соф фойдадир. Албатта, қаерда иқтисодий юксалиш бўлса, ўша жойда маънавий ва маърифий ишлар ҳам кўнгилдагидек бўлади. Шунинг учун ҳам улар бу йил 25 дона «Ўзбекистон овози»га обуна бўлишган.

— Яна 15 нафар пудратчимиз мазкур газетага обуна бўлиш истагини билдиришди, — дейди котиб. — Албатта, биз фақатгина обуна бўлиш билан чекланиб қолмаймиз. «Ўзбекистон овози» газетасида босилган долзарб мавзудаги мақолалар юзасидан хўжалигимиз ишчи-хизматчилари орасида вақти-вақти билан «Энг долзарб мақолалар» мавзуида йиғилиш ўтказиб, газетада чоп этилаётган мақолаларни муҳокама қилиб ҳам борамиз.

Абдурасул ПАРДАЕВ

«Ўнг соҳил»да СФУ иш бошлади



Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларини бошқаришнинг замонавий усулларига ўтиш ва хўжаликларда ички суғориш ҳамда зовур шахобчаларидан фойдаланишнинг янги тизимини яратиш давр талаби. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) деб аталаётган бу янги тизим қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудида фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа истеъмолчилар ўртасида сув хўжалиги муносабатларини тартибга солади. Бошқача айтганда, СФУ хўжалик ҳудуди доирасида сув хўжалигини бошқариш органи бўлиб, сувдан **бирламчи фойдаланувчи** сифатида ўз ҳудудидаги сувдан **иккиламчи фойдаланувчилар** — фермерлар, деҳқонлар, оилавий пудратчилар ва бошқа истеъмолчиларга хизмат қилади.

Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги «Учтут» фермерлар уюшмасида яқинда фаолият юрита бошлаган «Ўнг соҳил» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ўз зиммасига юкланган ана шу вазифани астойдил бажаришга киришди. Уюшма сувдан тўғри фойдаланиш, истеъмолчиларга сувни тўғри тақсимлаш, суғориш тармоқларининг мелиоратив ҳолатини яхши сақлаш ва тармоқдаги мавжуд муаммоларни тезда бартараф этиш вазифаларини оқилона уддалашга эришмоқда.

Айни чоғда уюшма 86 фермерга хизмат қилаяпти. У бу йил 1731 гектар майдонга сув тақсимлайди. АҚШнинг USAID агентлиги томонидан техник ёрдам кўрсатилаётган уюшма жамоасининг мақсади — экин-тикинлар қони — сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш ва уни оқилона ишлатишдир.

Суратларда: уюшма ҳудудидаги ирригация-мелиорация иншоотларидан бир кўриниш; «Ўнг соҳил» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси раиси Холиқул Имомов билан бош ҳосилот Раҳим Ҳамдамов СФУ фаолиятини компьютерда кузатаяпти

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

МУАММО, МУЛОҲАЗА

Мева кўпайсин десангиз, кўчат экинг, боғ қилинг!

ЁКИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЯНГИ БОҒ-РОҒЛАР ВА ТОКЗОРЛАР БАРПО ЭТИШГА НЕГА ЕТАРЛИ ЭЪТИБОР БЕРИЛМАЯПТИ?

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мен бу ерга 2000 йилнинг бошида келдим. Ўтган йили 95 гектар боғнинг 83 гектари мева берди. Қўшимча даромад олиш учун 160 гектар майдонда пахта, буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экиб, мўл ҳосил етиштирдик. Олинган фойда ҳисобига техникалар сотиб олдик. Бошланғич мактаб, тиббиёт пункти, устахона қурдик. 6,5 километр йўлга тош тўкиб, асфальт ётқиздик. 25 тонналик омборхона қурмоқчимиз.

Олма, ўрик, гилос, чилонжийда ва бошқа ўнлаб мева уруғлари тайёрлаб, уларни 6,5 гектар майдонга экдик. Эндиликда ёш ниҳоллар етиштириб, республикамиз хўжаликларига шартнома асосида етказиб берамиз. Бу йил 2000 туп ток, 60 минг туп чилонжийда, 60 минг туп манзарали дарахт кўчатлари тайёрлаймиз. Келгусида мева уруғларини 3 гектар майдонга экиб, ҳар гектар майдондан камида 100 минг туп ниҳол олишни мўлжаллаб турибмиз. 2010 йилга бориб, уруғ экиладиган майдонларни 30 гектарга етказиш ва ҳар йили 1-1,4 миллион тупгача ниҳол етиштиришни режалаштирганмиз. Шунингдек, ҳудудимизда ноёб бўлиб кетган анжирни ҳам кўпайтириш изига тушдик.

Хўжаликларга арзон, сархил, пайвандланган кўчатлар етказиб беришимиз учун тегишли ташкилотлар бизга техника, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материалларидан амалий ёрдам кўрсатса ёки имтиёзли кредитлар олишимизга ёрдам берса, бас, ишимиз янада юришиб кетган бўларди.

Жалғасбой ЖАРИЛҚАҒАНОВ, Кегейли туманидаги «Мевазор» кўчат етиштирувчи ижара хўжалиги раиси: — Бу ерда мен атиги тўрт ойдан буён ишлаяпман. 70-80 йиллар хўжаликда ҳудудий иқлим ва шароитга мос мева кўчатлари ҳатто қўшни вилоятларга ҳам сотилган. 1980 йилларга келиб, йилича 115-120 минг тупгача олма, ўрик, нок, шафтоли, ток кўчатлари етиштирилган. Кейинги 7-8 йилда эса бир туп ҳам мева кўчатлари парвариш қилинмаган. Моддий-техника базаси пастлигича қолиб кетган. Минерал ўғитлар, эҳтиёт қисмлар ва ёнилғи-мойлаш материалларининг етишмаслигидан ишлар юришмай қолган.

Бу йил ёш ниҳоллар ўтказиш учун 15 гектар ер тайёрладик. 4 минг туп мева, 5 минг туп чилонжийда, 10 минг туп терак кўчатлари тайёрлаш ниятимиз бор. Эндигина оёққа тикланаётган хўжалигимизни қўшимча маблағ билан таъминлаш мақсадида 11 гектарга буғдой ҳам экдик. 30 гектар майдонга қовунтарвуз, 20 гектарга оқжўхори, 10 гектар майдонга шоли уруғи қадашни кўзлаб қўйдик.

Айтмоқчи бўлган мулоҳазам — сифатли ниҳол етиштиришни яхшилаш учун аввало мева уруғи етиштирадиган махсус боғ бунёд қилиш керак. Илгари бизда бундай боғ бўлмаган. Чунки, ўз шароитингда етиштирилган уруғдан униб чиққан ниҳол ҳудуддаги бошқа хўжаликларда ҳам осонгина ҳамал «олади» — кўкаради. Шароит, иқлим ва тупроққа мос тушади-да. Бошқа вилоятлардан келтирилган кўчатларнинг кўпинча қуриб қолиши сабаби ҳам шунда. Шимолий туманларимиз хўжаликлари, уюшмалари, фермерлари ва хонадонларни кўплаб мева кўчатлари билан таъминлаш — бевосита бизнинг вазифамиз эканлигидан келиб чиқиб, юқорида ҳамкасбим — Қалила Ешимбетов айтганидек, боғбонларга имтиёзли кредитлар бериш ташкил қилинса, ёмон бўлмасди.

Қувондиқ САЙТБОЕВ, Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва вино ишлаб чиқариш илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиали директори, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди: — Илмий тажриба участкамизда 5,6 гектар жамлама (коллекция) боғ бор. Унда мева кўчатларининг 59 та нави синовдан ўтмоқда. 0,6 гектар майдондаги коллекцияда 42 хил ток нави парвариш топаяпти.

Мевачилик ва узумчилик — қишлоқ хўжалиги тизимидаги энг қийин, машаққатли ва узоқ давом этадиган жараён. Масалан, бир туп олма кўчати тайёрлаш учун олдин унинг ёввойи уруғи танланиши, экилиши ва икки йил доимий қаровда бўлиши керак. Кейин — учинчи йил маданий олма навига пайванд қилинади. Пайванди олма стандарт талабига жавоб бериши учун яна камида 1-2 йил парвариш қилинади. Шундан сўнггина у бўлажак боғ майдонига кўчириб ўтказилади.

Тўғри, биз ўз шароитимиз, тупроғимиз, сувимиз ва иссиқсовуқ иқлимимизга мос кўчатлар етиштириш учун ишни саралланган мева уруғлари тайёрлашдан бошлашимиз лозим. Бунинг учун бир гектар майдонга 30-40 килограмм атрофида олма, нок уруғлари керак бўлади. Айни кунда эса 1 килограмм олма ва нок уруғининг баҳоси (энг арзони) 12-15 минг сўмга етади. Масалан, олма уруғи учун 1 тонна олмадан атиги 6-8 килограмм уруғ олинади. 30 килограмм олма уруғи учун эса камида 37,5 тонна олма керак бўлади. Ана энди машаққатини ўзингиз ўйлаб кўраверинг...



Лекин биз бу қийинчиликларга қарамай 2000 йилда ўзимиздан ортган кўчатларнинг 19 минг, 2001 йилда 14 минг, 2002 йилда 12 минг тупини хўжаликлар ва идораларга шартнома асосида (ҳар тупини 150-200 сўмдан) сотдик. Бу йил ҳам баҳор ойларида тажриба участкамиздан ортган 20 минг туп беҳи, 2 минг туп ўрик, 1 минг туп олма ва бошқа мева кўчатларидан 1500 тупини оталиғимиздаги хўжаликларга шартнома асосида сотишни режалаштирганмиз.

Ҳудудимизда бодом, чилонжийда, қорағат каби мева кўчатларини ҳам шароитимизга мос қилиб етиштиришда илмий-тажриба ишлари олиб бораяпмиз. Шу билан бирга бозор иқтисодиёти шароитида узумчиликни ривожлантириб, Қорақалпоғистонда виночилик саноатига зарур тайёрлашни ҳам ўйлаб турибмиз. Бу йўлда винобоп узум навларининг (синовдан ўтаётган) коллекция боғини бунёд этиш устида илмий тадқиқот ишлари олиб бораяпмиз.

Хўжаликларимиз раҳбарлари ва мутахассисларининг фикр ҳамда мулоҳазаларини тўла қувватлаган ҳолда боғдорчилик ва токчиликни ривожлантириш учун «Олмазор» билан «Мевазор» каби хўжаликларимизнинг оёққа туриб олишлари учун амалий ёрдам керак, албатта.

— Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 4804 гектар боғ бор. Шундан 413 гектари узумзор, — дея сўз бошлади **Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш Марказ Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Сарсенбой ШАМЕТОВ.** — Уларнинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 21,6 центнердан ҳосил олинаяпти. Бу кўрсаткични республика аҳолисининг жон бошига ҳисоблаганда бир одамга йилига 7-10 килограмм мева тўғри келаяпти. Амалда эса ҳар бир одам йилига 78 килограмм мева ейиши керак. Шундан кўриниб турибдики, мева етиштириш ва унинг ҳосилдорлигини оширишга республикамизда эътибор нисбатан кам бўлмоқда.

1998-1999 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан мамлактимизнинг жанубий вилоятларидан 10 миллион сўмлик мева кўчатлари олиб келинди. Ўтказилган кўчатларнинг ҳаммаси деярли кўкармасдан қуриб қолди. Бунинг асосий сабабларидан бири — бизга жанубий вилоятларга нисбатан баҳор 20-25 кун кеч, куз эса 20-25 кун эрта тушади. Бунинг устига тупроқ ва сув таркиби ҳам мутаносиб келавермайди.

Кейинги йилларда мева кўчатлари етиштириб берадиган хўжаликларда ҳам кўчат етиштириш кескин камайди. Чунки сотилган кўчат пуллари вақтида тўланмаётганлигидан хўжаликларнинг дебиторлик қарзлари кўпайиб кетди. Шунинг учун мевачилик ва боғдорчилик хўжаликларининг дебиторлик қарзларини узиш йўлида мева кўчатлари ҳамда уруғчилик учун транш орқали маблағ ажратиш йўлга қўйилса ёки имтиёзли кредитлар берилса, деган таклифим бор.

Бўлимимиз «Олмазор», «Мевазор» хўжаликлари базасида мева ва мева кўчатлари етиштиришнинг илмий тавсиялар асосида белгиланган режалари ҳамда шу хўжаликларнинг иш тадбирларини тасдиқлади. «Обод маҳалла йили»да 20 минг, 2004 йилда 30 минг, 2005-2007 йилларга бориб, камида 200 минг тупдан кўпроқ мева кўчатлари етиштириш, етиштирилган кўчатларни эса республика хўжаликларига тарқатишни ният қилганмиз.

Яна бир таклиф: айрим вазирликлар, идоралар, бошқармалар ва хўжалик раҳбарлари, «боғ қиламиз» деб ҳар йили миллион-миллион сўмга Андижон, Тошкент, Самарқанд ва бошқа вилоятлардан мева кўчатлари олиб келишади, экишади. Лекин орадан кўп ўтмай ҳаммаси деярли қуриб қолади. Эсиз, маблағлар! Улар ўзимизнинг кўчат етказиб берувчи хўжаликларга берилганда эди, боғ ҳам, мева ҳам кўпайган бўларди...

Мана шу суҳбатлардан сўнг яқинда биз ҳудуд хўжаликларида бўлиб, уларнинг раҳбарлари билан учрашдик. Бирор раҳбар ёки мутахассис олдинги йиллар ўтказган кўчатларининг қанчаси кўкаргани-ю, қанчаси қуриб қолганини билишмади. Чунки бу каби ҳисобкитоб билан ҳеч ким шуғулланмаган.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа тегишли ташкилотларнинг мутасаддилари нима деркин?

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

Кредит беришнинг

ЁКИ БИР БОЙ ТАДБИРКОРНИНГ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Абдуманнон ака худди шундай ишга жалб қилиниши оқибатида тутамлаб йиққан 3-4 сўм сармоясидан ҳам ажралди. Қарзга ўтирди, бугунги аҳволга тушиб қолди.

1997 йил Жиззах шаҳар ҳокими томонидан фирмага «Кимёгар» маҳалласида маҳалла қўмитаси хонаси, милиция участка пункти, тиббиёт хонаси, мажлислар зали, чойхона қурилиши топширилди. Шаҳар ҳокимининг қарори фирма учун ҳар томонлама ютуқ эди. Бир томондан ҳокимият эътиборини қозонса, иккинчи томондан фирма 3-4 сўмли ҳам бўлиб қоларди.

Ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватловчи топшириқдан руҳланган «Ўктамжон» хусусий фирмаси ишни бошлаб юборди. Лекин шаҳар ҳокими қарорига илова қилинган қурилишни маблағ билан таъминловчи корхоналардан пул ҳадеганда фирма ҳисобига пул ўтавермади. Яхшиям, Абдуманнон ака анча-мунча танишлар орттирган экан. Бировдан цемент, бошқасидан ғишт олди. Чунончи, Б.Нуриллаевдан ғишт, темир бетон ишлаб чиқариш комбинатидан том плиталари, уй-жой қурилиш комбинатидан цемент олиб, пул тушиши билан тўлашини айтиб ишонтирди. Хуллас, қурилиш иши тўхтамади, давом этди. Ниҳоят, рўйхатдаги 3-4 ташкилотдан ҳам пул ўтказилди. Лекин катта ҳажмдаги бу қурилиш ишида ушбу маблағлар дарёдан томчи эди, холос. Дарвоқе, улар ҳам рўйхатдагиларнинг 3-4 фоизини ташкил қилишини ҳисобга олганда хусусий тадбиркор ўз ҳисобидан қанчалик катта маблағ сарфлаганини, нечоғлик қарзга ботаётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Охир-оқибат тадбиркор иш ҳақидан ҳам, солиқ идорасидан ҳам қарздор бўлиб қолди. Насияга олинган қурилиш материалларининг пулини қайтара олмади. Бир вақтлар тилга тушган «Ўктамжон» хусусий фирмаси ҳисоб рақамига инкасса қўйилди. «Қарзимни қачон тўлайсан?» деб Абдуманнон аканинг уйини сўраб келувчилар кўпайди...

Қарзи 6 миллионга етибди, аҳвол жиддий, нима қилиш керак? Ўйлаб қараса, банкдан кредит олиб вазиятдан чиқиб кетса бўлади. Тадбиркор эмасми, пулни қандай айлантиришни, 1 сўмни қандай қилиб 2 сўм қилишни яхши билади. Бунинг учун қўлингда бироз пул бўлса бўлди.

«Асака банк»нинг вилоятдаги бўлимига борди. Банк раҳбари Н.Юсупов қарзга ўтирган «Ўктамжон»га кредит бериб бўлмаслигини айтди. Турмуш ўртоғи Рўзихол Мардонова номидан (2001 йил) «Уску» фирмасини очди. Ва ушбу фирмага «Асака банк»нинг вилоят бўлимидан 6 ой муддатга 10 миллион сўм кредит олди. Кредитнинг 6 миллионини гузар қурилишидаги қарзларини тўлашга ишлатиб юборди.

Энди қолган 4 миллионини тезда айлантирмаса банк кредитини фоизлари билан қайтариши амри маҳол. Қарздан қутилиб пича енгил тортган тадбиркор елкасидаги яна оғир юк билан ишга тушиб кетди.

Гуруч пул эди. Хоразмдан арзонроқ олиб, фойда қилса бўларди. Қолган пулни Урганч шаҳар ун ишлаб чиқариш корхонасига ўтказди. Инсоннинг иши бир орқага кетмасин экан. Абдуманнон акани яна омадсизлик кутиб турар эди. Ўша пайтда Урганч ун ишлаб чиқариш корхонасида текширувлар бошланиб қолгани натижасида тадбиркор вақтида етарли гуруч ололмади. Жиззах — Урганч, Урганч — Жиззах қилавериб фақат ортиқча пул сарфлагани қолди, холос. Ниҳоят, 6 ойлик муддат ўтди-кетди. Банк унинг дўстлари каби эшигини тақиллатиб келиб, сўкиб-сўкиб қайтиб кетмайди. Қачон тўлайсан, деб унга вақт бермайди. Шартнома бор. Муддат кўрсатилган. Муддатдан ўтса суд орқали мажбурий ундириши мумкин. «Асака банк» уни судга бериб ўтирмади. Бошқачароқ йўл тутди.

«Мен «Асака банк» бошқарувчиси Нурмуҳаммад Юсупов олдига кириб кредитни тўлаш имкониятим йўқлигини айтдим. Ва кафолат учун қўйилган «Ўктамжон» балансидаги маиший бинони хўжалик суди орқали ундириб олиб, кредитни ёпишни сўрадим. У унамади. Балки таниш топиб, танишимнинг номига кредит расмийлаштиришни ва ўша кредит орқали «Уску»нинг кредитини ёпсам яна 30 миллион сўмлик кредит беришини, уни айлантириб ҳам танишнинг кредитидан қутилишим, ҳам ишларимни тўғрилаб олишим мумкинлигини айтди. Мен кўниб, таниш излашга тушдим. Топилавермагач, бошқарувчи ўринбосари Марат Суннатов менга кредит олиш учун ариза берганлар рўйхатини кўрсатди. «Шулар билан гаплаш» деди. Уларни ишонтириш учун 30 миллион сўмга кредит шартномаси ҳам қилиб берди. Бу шартноманинг рақами 21 бўлиб, 2002 йил 8 февралда имзоланган. Мен шартномани кўрсатиб, ёшроқ бўлгани учун кредит олишга ариза берган хусусий тадбиркор Фарҳод Мансуровни танладим. У ўша пайтда 6 миллион сўмга ҳужжат расмийлаштирган экан. «Уску»га олган 10 миллион кредит бу вақтга келиб фоизлари ва пенияни қўшиб ҳисоблаганда 12 миллионга етган эди. Фарҳод 12 миллионга қайтадан ҳужжат тайёрлади. Кредитни тўғридан-тўғри кредит билан ёпиш мумкин эмас. Шунинг учун банк Фарҳод Мансуров ҳисоб рақами орқали танишим бўлган Мирзаев Мамажоннинг «Акромбобо» фирмасига пулни ўтказди. «Акромбобо»дан эса «Уску»га ташланди ва менинг кредитим ёпилди. Бу ўтган йили 30 март куни бўлиб ўтди. Орамизда эса кейинчалик номигагина қурилиш материаллари олди-сотдиси учун ҳужжат қилиб қўйилди, холос. Амалда эса на «Акромбобо», на Фарҳод ва на мен ҳеч нарса олганимиз ҳам, сотганимиз ҳам йўқ».

Агар қўлимизда «Уску» фирмаси билан банк муҳри босилган, бошқарувчи имзоси қўйилган 30 миллион сўмлик кредит шартномаси бўлмаганда биз аризадан бу сатрларни келтириб ўтирмасдик. Қўйингки, Мамажон Мирзаев ҳамда Фарҳод Мансуров билан суҳбатлашиб, Абдуманнон аканинг гапларига ишонч ҳосил қилмаганимизда ҳам юқоридаги ёзувлар бўлмасди.

Биринчидан, шартнома 8 февралда томонлар томонидан имзоланиб муҳрланган. 12 миллионлик қарзи бор фирмага 30 миллион сўмлик кредит ажратиш бу мумкин бўлмаган нарса. Демак, шартнома «ўлжа» тутувчи «тўр» вазифасини бажарган.

Иккинчидан, кредит бир куннинг ўзида ҳам банкдан Ф.Мансуров ҳисоб рақамига чиқаяпти, ҳам «Акромбобо» фирмасига ўтаяпти, «Акромбобо»дан эса «Уску»га ташланяпти. Энг ҳожатбарор деб ҳисобланган банкда ҳам 2-3 операция хамирдан қил суғиргандек бу қадар тез ва осон кечмайди.

Учинчидан, ажабланарлиси шундаки, кредит «Акромбобо» орқали айланганидан фирма раҳбари М.Мирзаев хабарсиз бўлган. Орадан уч кун ўтгач, бу ишлардан хабардор қилинган. «Мен Навоийга иш билан кетган эдим, — дейди М. Мирзаев. — 3-4 кун у ерда бўлдим. Келсам Абдуманнон келиб шундай-шундай бўлди, деди. Фарҳод «Акромбобо»га пулни ўтказибди, «Акромбобо» «Уску»га ташлаб берибди. Уни яқиндан билганим ва аҳволини тушунганим учун нега ундай қилдинглар, деб ўтирмадим. Расмиятчилик, яъни юк хати, ҳисоб шартномаларини қилиб қўйдик». Банк мижозининг иштирокисиз унинг ҳисоб рақамида бемалол «операция» ўтказганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Банк бошқарувчиси Н.Юсупов эса Абдуманнон аканинг гапларини ёлғонга чиқариб, Фарҳодни унинг ўзи топган, дейди. Аслида Фарҳодни ким топган, уни ким алдаган, бунинг устида тортишиб ўтириш қулгили. Уни Абдуманнон ака ҳам, банк ҳам алдади. Келишув бўйича «Уску» кредити ёпилгандан кейин Абдуманнон акага ваъда қилинаётган 30 миллионнинг 12 миллиони Фарҳод Мансуров ҳисоб рақамига ташланиши керак эди. Йўқса Фарҳод бу «ўйин»га қўшилиб ўтирмасди. Лекин Абдуманнон акага 30 миллион кредит берилмади ва 12 миллион сўм Ф.Мансуровнинг бўйнида қолиб кетди.

Бировга яхшилик қиламан деб «ўйин»га қўшилган йигитнинг ҳисобига маглубият ёзила бошлади. Бунинг устига фоиз деган жонивор ҳар куни болалаб турибди. Кишига алам қилади, папка-папка ҳужжатни ўз бўйнига бўйинтуруқ солиш учун елиб-югуриб тайёрлаган экан-да. Ёшлик, соддалик қурсин, кейинроқ пул тушириб берамиз деганига ишонибди. Мана, энди банкка югуради, Абдуманнон акани излайди — нажот йўқ.

Иш нозиклашиб бу хабар ёз ўртасида прокуратурага етиб борди. Банк қалтис вазиятдан чиқиш йўлини топди: аввалги «операция» сценарийси яна такрорланди.

● АКС-САДО

«Оролга турналар қайтади»

мақоласини ўқиб

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2002 йил 21 декабрь сонида чоп этилган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси GEF агентлиги раҳбари Р. А. Гиниятуллиннинг мақоласи туртки бўлиб, кўпдан бери ўйлаб юрган ўз фикримни айтишни жоиз билдим.

«Ҳамма ерда сувдан фойдаланиш керак, дейилади-ю, тежам ҳақида ўйлаб кўрилмаяпти,** — дейди муаллиф. — **Тўғри, тежамкорлик ҳақида ҳам сўз юритилади, аммо тилда бор-у амалда, ҳаётда кам».

Мен бу фикрга тўла қўшиламан. Гарчанд, қишлоқ хўжалиги соҳасида бевосита ишламасам-да, қишлоқда яшаганим учун қишлоқ ҳаётини яхши биламан. Чиндан ҳам сув ниҳоятда исроф қилинади. Бунинг олдини олиш йўллари мақолада батафсил ёзилган. Уларга қўшимча бир таклифим бор: кейинги йилларда турли хил ўлчамда полиэтилен ва асбест цемент қувурлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундай қувурларни лоток шаклида — узунлиги тахминан 1,5-2 метр, эни 25-30, чуқурлиги 20-25 сантиметр ва бири иккинчисига кийгизиладиган ҳолда ишлаб чиқарилса, маъқул бўларди. Негаки, уларни томорқа, ҳовли ва бошқа жойлардаги ариқчаларга ҳам ётқизиб, сув исрофгарчилигининг олдини олса бўлади. Бундай лотоклар, аввало енгил, қолаверса арзон, чидамли ва ихчам бўлади. Уларни соподлан ҳам тайёрлаш мумкин. Лоток ётқизилган ариқларни тозалаш осон ва хўжаликларга катта иқтисодий самара келтиради. Буни мен ўз тажрибамдан айтаяпман.

Эсон МАРДОН,
Сурхондараё вилояти, Ангор тумани.

● ТАҚРИЗ

Ўзбекнинг овози мағрур жаранглар

Дунё меҳварида ўзбекнинг хос ва мос ўрни бугун миллатга шаён-шавкат, халқаро обрў-эътибор, нуфуз бахш этиб турибди. Бу элу юртнинг асрий орзуси, истиқлол шарофатидир

Публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Миллат овози» китоби озодлик неъмати Ўзбекистоннинг жаҳон узра ҳақиқий овозига эга бўлишда олиб борилган курашларнинг моҳиятмазмуни, жараённинг ўзига хос шаклланиш босқичлари таҳлилига бағишланган. Муаллиф ушбу эзгу ижодий-публицистик ниятининг туғилиши ва унинг ижроси сабабларини қатор омиллар билан асослашга уринади. Улардан энг муҳимлари — Йўлбошчи бўлолган шахснинг ўз миллатига беқиёс шараф келтириши, айни пайтда бундай шахснинг Йўлбошчилик камолотига эришишидир. «Президент Ислом Каримов, — деб ёзади муаллиф, — истиқлол йилларидан бошлаб халқимизга Йўлбошчилик қилмоқда, самарали ва қизғин фаолияти билан миллатимизга шараф келтирмоқда. Шу боисдан ҳам китоб мавзуини қутлуғ Ватанимиз — Ўзбекистон, азамат халқимиз — Ўзбекистон халқи, буюк пойтахтимиз — Тошкент, улуғ неъматимиз — миллий истиқлол ва унинг самаралари, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни ва Йўлбошчимиз фаолиятига оид этиб белгиладик. Очиқ эътироф этиш керакки, эндиликда Президентимиз ҳақида ёзиш мустақил Ўзбекистон ҳақида ёзишнинг, она-Ватанимиз ва халқимизга хизмат қилишнинг, мустақиллиқни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишнинг муайян бир бўлаги бўлиб қолди. Зотан, миллатимиз, давлатимиз тақдирида, мамлакатимизда бўлаётган воқеалар ва жараёнларда Ислом Каримовнинг ўрни беқиёсдир».

Китоб йигирма бир бобдан иборат бўлиб, ҳар бобда миллат овозини, миллат демократик қиёфасини белгилаб берувчи муайян қадриятлар тарихий-ретроспектив ва перспектив йўналишда таҳлилий умумлаштирилган.

Ушбу рисолада асосий эътибор мустақил давлатимиз асосчиси, миллат ва юрт халоскори Ислом Каримовнинг сиёсий фаолиятига қаратилган бўлиб, ана шу мураккаб фаолият силсиласида Йўлбошчимизнинг сиёсий қиёфасига, демак, наинки миллий тикланишимиз жараёнлари ҳамда ислоҳий юксалиш, янгиланиш босқичларига, айни пайтда мустақил ўзбек овозининг бугунги мағрур жарангига ҳам ўзига хос ихчам, сиёсий чизгилар берилган. Бу нафақат босиб ўтилган истиқлол йўлининг моҳиятида, шунингдек, озод ва мағрур ўзбекнинг, ўзбекистонликнинг миллий овози шаклланиши ва дунё узра баралла жаранглаши сабаб-оқибатларининг публицистик умумлашмасида яққол намоён бўлади.

Китоб мазмуни турфа муаммоларнинг публицистик тадқиқида йўғрилган. Унда тарихнинг истиқлол билан боғлиқ шартларига сафарбар фактлар, воқеа-ҳодисаларнинг мухтасар қайдлари, ўтмиш алломаларимиз башоратлари, шарқона тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари, Шарқ ва Ғарб сиёсий фалсафасини фавқулодда уйғунлаштирган Йўлбошчи образи ифодасини топган.

Бир қарашда китоб мазмуни Президент сиёсий фаолиятининг хронологиясидан иборатдек кўринади. Аммо «Миллат овози»нинг моҳиятига теранроқ назар ташланса, унда Йўлбошчи сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари силсиласида таҳлилий умумлаштирилгани аёнлашади. Бунга мисол тариқасида «Ҳуқуқий саодат сари», «Назариётчи ва амалиётчи», «Пухта қонунлар негизида», «Тафаккурдаги ташҳис», «Аллома», «Давлат тафаккури йўлида», «Келажакни олдиндан кўра билиш» деб номланган боблар юқоридаги фикрни тўла исботлайди.

Тўғри, муаллиф ўз китобини жанр жиҳатдан илмий-ижодий асар деб баҳолаган. Бунга асос бор, албатта. Жумладан, у илмийликни «тарихий ҳужжатлар, далиллар, рақамларга қатъий асосланган ҳолда фикр юритишида», ижодийликни эса, китобда «ўша тарихий ҳужжатлар, далиллар ва рақам ижодий идрок этилиб, уларни бадиий таҳлил қилиш, ...моҳиятини очиб беришга баҳоли қудрат интилиши»да кўради. Муаллифнинг бу эътирофига эътироз билдирса бўлади. Фикримизча, китобда бадиий таҳлил эмас, балки публицистик таҳлил устувор.

Муаллифнинг ютуғи шундаки, китобда миллий тикланиш жараёнларини таъминлаб берган мумтоз миллий ғоялар таҳлили силсиласида жамиятимизнинг демократик тараққиёт сари йўлини янада мазмундор, самарали этишга қаратилган янгиянги ғоялар заҳираси таклиф этилган. Жумладан, Абдуқаҳҳор Иброҳимов ажойиб бир истак, орзуни таклиф этади: «яқин келажакда мамлакатимиз БМТ Хавфсизлик Кенгашининг аъзолари сафидан ўрин олишини умид қилсак арзийди...» Узоқ йиллардан буён беш қудратли давлат — АҚШ, Англия, Франция, Россия, Хитой бу нуфузли Кенгашнинг аъзолари бўлиб келмоқда. Бошқа бирорта давлат ҳали олтинчи бўлиб, бу сафга туролгани йўқ. Ўзбекистонга бу шараф ва халқаро обрў насиб этса, не ажаб!

«Миллат овози» китоби яхлит публицистик мундарижаси, таҳлилий руҳи ва куюнчак нафаси билан мазмунан ўз номига мос-мутаносибдир. Унда ўзбек, Ўзбекистон овозининг жаҳон ҳамжамияти меҳваридан доимо янграб туриши орзуси ифода этилган. Дарвоқе, миллат овози жаҳон минбарларидан ўз Йўлбошчиси орқали аллақачонлардан бери жаранглаб турибди.

Ҳа, Ўзбекистон ўз мағрур овози билан дунё меҳварида намоён. Исботи — «Халқаро миқёсдаги буюк давлат арбоби» расмий мақомига сазовор бўлган Ислом Каримовнинг халқаро обрў-эътибори, жаҳоний тан олинган сиёсий қиёфаси, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўзига хос, ўзига мос қонуний ўрни. Китоб айнан шу жиҳати билан ибратли.

Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ,
академик

Мартда учрашадилар

Россия Президенти Владимир Путин ва Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе телефон орқали боғланиб, мартнинг биринчи ярмида учрашишга келишиб олдилар. Бу ҳақда Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов «Новости» ахборот агентлигига маълумот берди.

Президентлар учрашувида икки томонлама алоқалар ва бошқа долзарб муаммолар муҳокама этилади.

Текширув ўтказмоқчи

Буюк Британия ҳукумати мамлакатдаги муҳожирларни ОИТС ва сил касалликларига қарши текширувдан ўтказишни мўлжаллаб турибди. Бу ҳақда The Times хабар тарқатди.

Ҳукуматнинг бундай қарорга келишига сабаб тадқиқотчиларнинг илмий кузатувлари, яъни ўтган йили касалликнинг 26 фоизга ортиши айнан мамлакатга четдан келувчи муҳожирлар ҳисобига бўлаётганлигидир. Бу билан ҳукумат мамлакат дарвозаларини хорижликлар учун ёпиб қўймоқчи эмас. Бироқ соғлиқни сақлаш тизимининг эшиклари улар учун ёпилиши мумкин. Негаки, четдан келувчиларнинг кўпчилигини мамлакатда даволанишни истовчилар ташкил этади.

Ҳозирча текширув қачон ўтказилиши аниқ бир муддатга белгиланган йўқ.

Статистика маълумотларига кўра, 2002 йили ОИТС билан касалланганлар рўйхати 6172 тани ташкил этган. Бу кўрсаткич 2001 йилда 4909 та эди.

Яна шу нарсани қайд этиш керакки, мамлакатда ОИТС-ни кўпайтираётганлар нафақат муҳожирлар, балки чет элларга бориб келаётган Британия фуқаролари ҳамдир.

Чегара чизиғидан ўтди

Шимолий Корея ҳарбий ҳаво кучларининг «МиГ-19» қирувчи самолёти пайшанба куни Сариқ денгиз устидаги Жанубий Корея чегара чизиғини бузиб ўтди. Шу заҳоти Жанубий Корея ҳарбий ҳаво кучлари томонидан кўтарилган жанговар тревогадан сўнг «МиГ-19» яна ортига қайтган, дейилади Reuters агентлиги ахборотида.

Самолёт икки минут давомида ўзга чегарада бўлган.

Чегара бузғунчилиги 1983 йилдан бери энди қайд этилиши.

ХИТОЙ. ТЎЙ-МАРОСИМЛАР ЎТКАЗИЛАДИГАН КЕМА.

Орол кимга қарашли?

Яқинда Малайзия ва Сингапур давлатлари ташқи ишлар вазирлари Сиеда Ҳамид Албара ва С. Жаякумарлар ўзаро учрашиб, ҳудудий тортишувга сабаб бўлаётган масала юзасидан БМТнинг халқаро судига мурожаат этишга келишиб олдилар.

Гап шундаки, Малайзиянинг жанубида — Сингапур бўғозида 15 километрга чўзилган Педра-Бранк ороли бор. Уни сингапурликлар назорат қилишади, улар оролга маёқ ҳамда патрул катерлари учун боғлов майдони қуришган. Бунга эса неча ўн йиллардан бери Куала-Лумпур норозилик билдириб келмоқда. Мазкур орол мақомининг ҳануз ноаниқлиги Малайзия ва Сингапур дипломатлари ўртасида ўзаро ихтилофлар вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Масалан, оролдаги чучук сувдан фойдаланаётгани учун Сингапур Малайзияни катта тўлов тўлашга мажбур этса, Сингапур самолётлари орол ҳаво кенгликларидан фойдаланаётгани учун Малайзия ундан катта тўлов ундиришга ҳаракат қилиб келади.

Неча йиллик тортишув энди хотима топса, ажаб эмас, дейилади Reuters ахборотида.

антиқа «усули»

ҚАРЗГА БОТИБ ҚОЛГАНИ ХУСУСИДА

«Августнинг бошларида уйга қўнғироқ бўлиб, мени банкка, Марат Суннатовга учрашсин, дейилибди. Келдим. Уй-жой жамғарма банкидаги ҳисоб рақамингизни бизга кўчириб келинг, кредит берамиз деди. Мен хурсанд бўлиб, ҳужжат тайёрлай бошладим, яна 30 миллионга. 9 август куни кредит шартномаси имзоланди. Банк бошқарувчиси Н.Юсупов мени олдига чақириб Ф.Мансуровнинг олган кредити фоизлари билан ҳозир 13 миллион 400 минг сўм бўлганлигини айтди. Дастлаб ана шу миқдорга тўлов топшириқномаси олиб кел, кейин қолган 16 600 000 сўмини ажратамиз, айлантириб ёпасан, кредит муддатини яна 6 ойга узайтириб бераман, деди. Шундай қилиб 12 август куни бир соат ичида банкдан 13 400 000 сўм хусусий тадбиркор Абдуманнон Мардонов ҳисоб рақамига, ундан эса хусусий тадбиркор Фарҳод Мансуров ҳисоб рақамига ўтди. Қолган 16 600 000 сўм эса ўтказилмади. Давлат ташкилоти билан шартнома тузсанг қолган кредит миқдорини чиқарамиз дейишди. Оҳангаронга қатнайвериб, охири «Оҳангаронцемент тижорат Департаменти» шўъба корхонаси билан 20 августда 1000 тонна цементга шартнома тузиб келдим. Банк шундан кейин ҳам пулни чиқармади. Ўз навбатида мен ҳам Фарҳодга ишонч қоғози ёзиб бермадим. Чунки 12 августдаги «операция» аввалгидек ҳеч қанақанги ҳужжатларсиз амалга оширилган эди — банк пулни менинг ҳисоб рақамимдан унинг ҳисоб рақамига ташлаб қўйганди, холос. Кредитни эса кредит билан ёпиш мумкин эмас. Ҳеч бўлмаса номига бўлса ҳам олди-сотди тариқасида ҳужжат қилиниши керак.

Республика бошқарувидан банкка текширувчилар келган экан, сентябрь ойида Н.Юсупов мени чақириб Ф. Мансуров билан ҳужжатларингни тезда тўғрилаб қўй, йўқса қолган пулингни ололмайсан, деди. Ҳужжатларни тўғриласам, қолган суммани ўтказиб юборишга ваъда қилди. Шундан сўнг мен билан Фарҳод ўртасида 12 август санаси билан қурилиш материаллари олди-бердиси ҳақида ҳужжат қилинди. Кредит учун тайёрлаган ҳужжатларимни ҳам қайтадан қилиб чиқдим. Аввалгиси қурилиш материалларини сотиш учун қилинган эди. Маълум бўлишича, савдога бунақа катта сумма бериш мумкин эмас экан. Юқоридан келган текширувчилар шундай дейишган бўлса керак-да. Ишлаб чиқаришга, деб қил дейишди. Шартномани ҳам ишлаб чиқаришга, деб ўша 9 август числоси билан янгиладик. Натижада, Фарҳод Мансуров билан гўёки қурилиш материаллари олди-сотди ҳаракатим мақсадсиз, яъни кредит мақсадсиз сарфланган бўлиб қолди. 18 сентябрь куни эса бу сценарийни ўзлари уюштирганлигига қарамасдан кредит мақсадсиз ишлатилган, товар олинмаган, деган мазмунда далолатнома тузишди. Шу йўл билан кредитнинг қолган қисмини беришнинг олди олинди ва Фарҳод Мансуровнинг кредити ёпилди».

Абдуманнон аканинг узундан-узун гапларини келтиришимизда иккита асос бор:

1. Банк муҳри ва бошқарувчи имзоси билан тасдиқланган ҳар иккала шартнома нусхаси бизнинг қўлимда турибди. Бири қурилиш материаллари сотиш, бири эса қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун. Иккала шартноманинг тузилган санаси бир хил — 9.08.2002 йил.

2. Абдуманнон Мардоновнинг 30 миллион сўмга кредит сўраб ёзган 2 та аризаси мавжуд. Ҳар иккисига ҳам 8 август санаси қўйилган. Бири қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун, иккинчиси эса қурилиш материалларини сотиш учун ёзилган. Иккаласида ҳам банк раҳбарларининг ёзуви ва имзоси бор...

Афтидан кўринадики, А.Мардонов ва банк ўртасидаги 30 миллион сўмлик кредит шартномаси Фарҳод Мансуровнинг кредит суммасини ёпиш учун қилинган экан. Аслида кредит тадбиркорлик фаолиятини юксалтириш, уларнинг фаолиятига кўмаклашиш орқали мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун хизмат қилиши керак. Шунда тадбиркор сармояни ишлаб чиқаришга, ёки савдога ишлатиб ҳам чўнтагига фойда қилади, ҳам давлат ғазнасига солиқ тўлайди. Бозорларимизнинг мўл-кўлчилиги ҳам асли шунга боғлиқ. «Асака банк»нинг Жиззах вилоят бўлимидан хусусий тадбиркорлар Ф.Мансуров ва А.Мардоновга ажратилган кредит ресурслари эса фақат бир-бирининг кредитини ёпишга хизмат қилди. Мижозлар кредит суммасидан бир танга бўлсин фойдаланишмади. Давлат чўнтагига ҳам ҳеч нарса тушмади. Айтиш мумкинки, бу ҳаракатнинг бошида айнан банк ходимлари туришди.

Иқтисодимиздаги жиддий муаммолардан бири сифатида айнан мана шу масалани — банклардаги кредит бериш масаласини кўрсатиш мумкин. Албатта, кредит олишдаги тўсиқлар, сансоларликлар ва бюрократия бу алоҳида мавзу.

Хусусий тадбиркор Абдуманнон Мардоновнинг банк олдидаги қарзи фоизлари билан ҳисоблаганда ҳозир 14 миллиондан ошди. Кўриниб турибдики, банк шартномадаги 30 миллионнинг қолган қисмини ажратиш нияти йўқ. Бу дегани бир вақтлар аҳолига гузар ва уйлар қуриб беришга чоғланган тадбиркор энди қарз ботқоғига ботаяпти, деганидир.

Аниқроғи, у ҳозирнинг ўзида бўйнигача қарзга ботган. Тирикчилик чориғини бир амаллаб судраб юрибди. Эртага-чи, эртага нима бўлади?

Акбар ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржасининг

Тошкент вилоят филиали

Сиз азизларни 2003 йил 26 март, 2,9,16,23,30 апрель кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Паркент тумани, «Бўстон» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган, майдони 600 кв.м. бўлган, фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ва уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган, сатҳи 600 кв.м. бўлган, 47 та ер майдони.
Бошланғич баҳоси — 43500 сўм.
2. Тошкент вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасига қарашли ДЭУ «Эсперо», давлат рақами 10AS 488 бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 3824700 сўм.
3. Тошкент вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасига қарашли ДЭУ «Нексия», давлат рақами 10AN 065 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 2128500 сўм.
4. «Юқоричирчиқ тумани халқ таълими бўлимига қарашли, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11AK 984 бўлган, «ГАЗ-5204» русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 501800 сўм.
5. «Чирчиқшаҳаргаз таъминот» шахобчасига қарашли, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10-32 ЕК бўлган, «Экскаватор ЮМЗ-6002» русумли техника воситаси.
Бошланғич баҳоси — 1873100 сўм.
6. Янгийўл тумани «Янгийўл МТП» ОАЖга қарашли бўлган, «ММЗ-554» русумли автотранспорт воситаси, д/р 61-78 ТШП, 1984 й.и.ч.
Бошланғич баҳоси — 948900 сўм.
7. Янгийўл тумани «Янгийўл МТП» ОАЖга қарашли бўлган, «УАЗ-3303» русумли автотранспорт воситаси, д/р 34-66 ТШП, 1991 й.и.ч.
Бошланғич баҳоси — 386600 сўм.
8. Янгийўл тумани «Янгийўл МТП» ОАЖга қарашли бўлган, «ЗИЛ-133» русумли автотранспорт воситаси, д/р 89-04 ТШМ, 1987 й.и.ч.
Бошланғич баҳоси — 948900 сўм.
9. Янгийўл тумани «Янгийўл МТП» ОАЖга қарашли бўлган, «ЗИЛ-157» русумли автотранспорт воситаси, д/р 87-28 ТШМ, 1987 й.и.ч.
Бошланғич баҳоси — 3795600 сўм.
10. Янгийўл тумани «Янгийўл МТП» ОАЖга қарашли бўлган, «МАРАЛ-125» русумли автотранспорт воситаси, 1997 й.и.ч.
Бошланғич баҳоси — 5029500 сўм.
11. Чирчиқ шаҳар ветеринария бўлимига қарашли «УАЗ-31512» русумли, давлат рақами 11AD 702 бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 366100 сўм.
12. Тошкент вилояти клиник шифохонасига қарашли, «Москвич-2141» русумли, давлат рақами 11AD 611 бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 249100 сўм.
13. Тошкент вилояти клиник шифохонасига қарашли, «УАЗ-396201» русумли, давлат рақами 11AF 941 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 414100 сўм.
14. Тошкент вилояти Иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармасига тегишли бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 09-09 ТНС бўлган, «NEXIA» русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 1185200 сўм.
15. Тошкент вилояти Иқтисод ва статистика бош бошқармасига тегишли бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10TV 230 бўлган, «ГАЗ-3102» русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 1160000 сўм.
16. «Регионал Геология» ОАЖга тегишли «ЗИЛ ММЗ-45-02» русумли, давлат рақами 11AL 860 бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт.
Бошланғич баҳоси — 912 840 сўм.
17. Қибрай туманида жойлашган, Тошкент гидрогеология экспедициясига қарашли «Авиа 21 Ф» русумли, давлат рақами 11AC 919 бўлган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 643500 сўм.
18. Чирчиқ шаҳар, 1-кичик даҳа, 6-«А» уйда жойлашган, майдони 202,48 кв.м.га тенг бўлган озиқ-овқат дўкони.
Бошланғич баҳоси — 2691500 сўм.

Бундан ташқари, олдинги кимошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам савдоларга қўйилади.

Эслатма: Сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордерини олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «Xususiylashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимлиги биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Инсонпарварлик тамойили асосида

Жаҳоннинг қатор давлатларида ногиронлар манфаатини ҳимояловчи хайрия ташкилотлари бор, ногиронлик муаммоларини ўрганувчи услубий марказлар фаолият олиб бормоқда. Демак, башарият онгида инсонпарварлик туйғуси яшаб қолаяпти. Хўш, бу борада бизнинг мамлакатимизда қандай ишлар қилинаяпти?

Юртимизда ногиронлик муаммолари билан шуғулланувчи ягона илмий муассаса — республика Миллий Реабилитация Марказининг бош директори, профессор Носир МУҲАММАДЖОНОВ билан суҳбат ана шу мавзуга бағишланди.

— Носир Зокирович, ўзингизга маълум, мамлакатимиз тараққиёт йўлининг асосий беш тамойилидан бири — бу аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кўзловчи кучли ижтимоий сиёсатдир. Мамлакатимизда ногиронларни тиббий-ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича Марказ амалга ошираётган ишлар ҳақида бироз тўхталсангиз.

— Ҳукуматимиз томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг **«Юртимизда ижтимоий адолат тамойиллари қарор топмоқда. Аҳолининг энг муҳтож қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг бутунлай янги тизими барпо этилди. Қанчалик қийин бўлмасин, давлат ва жамият пенсионерлар, серфарзанд оилалар, талабалар хусусида ғамхўрлик қилишни бир дақиқа бўлса ҳам унутгани йўқ»,** — деган сўзлари бизнинг иш фаолиятимизда дастуриламал бўлмоқда.

Марказимиз олим ва мутахассислари олдида турган муҳим вазифа — шубҳасиз, ногиронликнинг олдини олиш, ногиронларни реабилитация қилиш борасида илғор тажрибаларни ўрганиш, бу борада илмий асосланган янги услуб ва технологияларни амалиётга жорий қилишдир.

Ногиронларга давлат томонидан кўрсатиладиган кўмак ва эътибор маълум маънода ўша мамлакатнинг инсонпарварлик сиёсатини белгилайди. Шу маънода марказимиз бемор ва ногиронларнинг тиббий-ижтимоий, касбий реабилитацияси ҳамда муаммоларини илмий ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш ҳамда тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари тизими учун услубий марказ вазифасини ўтайди.

Бундан ташқари, бу маскан ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий соғломлаштириш илмий-текшириш институти бўлиб, 150 нафар беморга мўлжалланган клиникасига эга.

— Марказнинг хорижий мамлакатлар билан алоқалари ҳақида нималар дея оласиз?

— Ҳамкорликсиз, ўзаро тажриба алмашилмай илму фанда ривожланиш бўлмайди. Шунинг учун ҳам ногиронлар меҳнат қобилиятини аниқлаш ва тиклаш илмий-текшириш институтлари, «Гендер ва тараққиёт» халқаро ташкилоти, «Каунтерпарт Интернешнл», «Ворлд Концерн», «Адра», «Сохнут» ва бошқа халқаро хайрия ташкилотлари билан узвий алоқалар ўрнатилган. Яқинда БМТнинг ривожланиш Дастури кўмагида биринчи бор марказимизни жаҳонга таништириш маросими бўлиб ўтди. «XXI асрда инсоният тараққиёти концепцияси» доирасида ўтган мазкур тадбирда хорижий хайрия ташкилотлари, чет эл элчихоналари вакиллари, мурувват жамғармалари ва журналистлар иштирок этишди. Ўзаро ҳамфикрлик ва дўстона руҳда ўтган йиғинда чет эллик ҳамкорлар билан ногиронлар манфаатини кўзловчи бир неча келишувларга эришдик. Қувонарлиси, мазкур учрашувдан сўнг орадан бир неча кун ўтгач, АҚШнинг «Куантерпарт Интернешнл» ва Марказий Осиёга бегараз ёрдам — «CAFE» мурувват ташкилотлари марказимизга қимматбаҳо замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналарини ҳадя этди.

Шу ўринда АҚШнинг «ЁНГРАК» халқаро жамғармаси ҳамда Жанубий кореялик мутахассислар билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган халқаро илмий-амалий семинарлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Ҳозирда Жанубий Кореянинг «Ёнсей» реабилитация маркази билан яқин алоқалар ўрнатилган. Жорий йилда бўлиб ўтган семинар якунида мутахассислар малакасини ошириш борасида зарур чора-тадбирлар белгиланди. Ногиронларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси борасида олиб борилаётган амалий ишлар самарадорлигини ошириш, мутахассисларнинг билим савияси талаб даражасида бўлишини таъминлаш ҳамда илғор чет эл тажрибаларини ўрганиш мақсадида Жанубий Кореянинг «Харвест» инсонпарварлик ташкилоти билан мутахассисларнинг малакасини ошириш, Японияннинг «Мицубиси Корпорейшн» компанияси билан эса марказнинг моддий-техника базасини кучайтириш борасида музокаралар олиб борилябти.

— Вилоят ва туманлардаги тиббий меҳнат экспертиза тизими фаолияти ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз. Беморларга ногиронлик гуруҳини белгилашда ТМЭКлар билан ҳамфикрлик борми?

— Тиббий-меҳнат экспертизаси ҳукуматнинг махсус қарори билан тасдиқланган ва аниқ белгилаб қўйилган меъёрларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Бироқ ногироннинг ёши, жинси, маълумоти, касби, кечирган хасталиги натижасида қолган асоратларнинг кўриниши ва бошқа сабаблар ногиронлик гуруҳини белгилашда асосий роль ўйнаб, бу жараённинг нақадар мураккаблигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам бизнинг олдимизда турган вазифа — касалликларнинг кечиши, хусусиятлари, уларнинг асоратларини кенг қамровли ва аниқ белгилаб берувчи экспертизанинг янги тартибларини ишлаб чиқиш, уларни амалиётга татбиқ этиш, шифокорларнинг малакасини мунтазам равишда ошириб боришдир.

Ҳозирда вазифаларни бажаришнинг тўла имкониятлари мавжуд, деб ўйлайман. Бу борада тегишли грантларни олиб, илмий изланишларни амалга ошириш чоралари кўрилмоқда. Шу кунларда Испаниянинг «Саламанка», Португалиянинг «Порту» ва Буюк Британиянинг «Сандерленд» илмий масканлари билан ҳамкорлик қилишни мўлжаллаб турибмиз. Бугунги кунда белгиланган ишларнинг асосий эътибори ижтимоий муҳофазага муҳтож ногиронга қаратилган бўлиб, ҳукуматимиз томонидан изчиллик билан олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг амалдаги ижросини таъминлашдир.

Матназар ЭЛМУРОДОВ суҳбатлашди.

✧✧✧

Суратда: тиббиёт фанлари доктори, профессор Носир Муҳаммаджонов (ўртада) ҳамкасблари даврасида.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

СПОРТ

Кучлилар Тошкентга келади

Шу йил 2-4 март кунлари пойтахтимизда эркин ва юнон-рум кураши бўйича гран-при туркумига кирувчи анъанавий «Мустақиллик кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтади.

Куни кеча «Олимпия шон-шуҳрати» музейида мазкур нуфузли мусобақага кўрилаётган ҳозирлик, Ўзбекистон терма жамоасининг турнирга тайёргарлиги юзасидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, республика спорт курашлари ассоциацияси масъул ходимлари, юнон-рум ва эркин кураш бўйича мамлакат терма жамоаси мураббийлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.



— Олтинчи маротаба ўтказилаётган ушбу анъанавий турнирга жаҳоннинг энг кучли курашчилари таклиф қилинган, — дейди Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси бош котиби Константин Михайлов. — Унда АҚШ, Россия, Белоруссия, Украина, Япония, Арманистон, Жанубий Корея сингари дунёнинг ўн етти мамлакати курашчилари қатнашиши кутилмоқда. Қувонарлиси, 10 нафар ҳамюртимиз беллашувларда ҳакамлик қилади. Ҳар икки тур бўйича иккитадан терма жамоамиз гиламга чиқади. Яна бир аҳамиятли жиҳати, «Мустақиллик кубоги»да олимпия ва жаҳон чемпионлари америкалик Кэрин Маккой, Жо Вильямслар ҳам ғолиблик учун кураш олиб борадилар.

Икки юз нафарга яқин курашчи қатнашиши кутилаётган мазкур турнир терма жамоаларимиз учун навбатдаги қитъа ва жаҳон чемпионатлари олдидан синов вазифасини ўтайди. Мусобақа ташкилотчилари бу катта спорт байрамига бир неча карра олимпия ва жаҳон чемпиони россиялик Александр Медведь, Арсен Фадзаев ҳамда арманистонлик Степан Саркисянларни фахрий меҳмон сифатида таклиф этишган.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYÜPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 066

16275 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

Ҳикматли сўзлар маъноси

АМАЛДОРДАН ОШНА ҚИЛМА, ХАФАЛИКНИ СОТИБ ОЛМА

Асрлар давомида зулм чеккан халқ золим амалдорларга яқин юрмаслик, улардан иложи борича ўзини олиб қочиш керак, деган фикрга келиб, мазкур мақолни ижод қилган. Вар.: «Олим билан яқин бўлсанг, қўлинг етар, золим билан яқин бўлсанг, бошинг кетар», «Тўрага эргашган эгарин орқалар», «Бойга яқин юрсанг, бўлдирар, ўтга яқин турсанг, куйдирар» (бунда «бўлдирар» сўзи «у сени роса ишлатиб чарчатар, ҳолдан тойдирар», деган маънода).

АЙТИЛГАН СЎЗ — ОТИЛГАН ЎҚ

Жамоа орасида ёхуд айрим шахсларга бирор гапни айтишдан аввал уни обдон ўйлаб, атрофлича мулоҳаза қилиб олиш зарурлиги уқтириляпти. Кишининг оғзидан чиққан ҳар бир сўз, хоҳ яхши, хоҳ ёмон, хоҳ ўринли, хоҳ ўринсиз бўлсин, уни асло қайтариб бўлмайди. Айниқса, одамларни ноўрин ҳақоратлаш, камситиш, пичинг, кесатиқ гаплар айтиш, улар қалбини ўқдай жароҳатлаши мумкин. Шу боис киши ҳар бир сўзни ўйлаб, эҳтиёт бўлиб гапириши керак. Вар.: «Оғиздан чиққан сўз қайтмас», «Гап эгаси билан юрмайди», «Айтган сўзни ичкари ютмоқ бўлмас», «Сўз чумчуқ эмас, оғиздан чиқса тутиб бўлмас», «Пуф десанг, оғзингдан чиқади-кетади, оқибатини ўйла», «Сўзлаганинг кумуш бўлса, тек турганинг — олтин», «Сақланган сўз — соф олтин», «Айтилган сўз — хўжайининг, айтилмаган сўз — хизматкоринг», «Айтмасдан бурун сўзга сен эга, айтгандан сўнг сенга сўз эга», «Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт», «Арзимаган гап оғизда қолсин!».

«ЎЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

2003 йил 20 март соат 10.00 да акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. ОАЖ молия-хўжалик фаолиятининг 2002 йил якуни юзасидан бошқарув раисининг ҳисоботи, 2003 йил бизнес режасининг муҳокамаси ва уни тасдиқлаш.
2. Жамият низомига ўзгаришлар киритиш тўғрисида.
3. Кузатув кенгашининг 2002 йилдаги фаолияти танқидий таҳлили ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2003 йил №УП-3202 Фармони талабларига асосан Кузатув кенгашининг янги аъзоларини сайлаш.
4. 2002 йил бухгалтерия ҳисоботини тасдиқлаш.
5. 2002 йил аудитор текширувининг ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Тафтиш ҳайъати ҳисоботини тасдиқлаш.
7. Акциядорлик жамиятининг аудиторини тасдиқлаш.
8. Дивидендлар миқдорини ва тўлаш муддатини белгилаш.
9. ОАЖ бошқарув раисини янги муддатга тасдиқлаш.
10. Бошқа масалалар

ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Боғланиш телефонлари: 132-20-56, 34-05-75, 34-06-26.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 109-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 Тур
56
3
48
16
58
34
10
Сони: 1
Видеомагнитофон
Чипта рақами
20061368.3

2 Тур
13
40
74
77
33
35
14
87
18
78
61
30
8
70
57
89
38
67
80
11
45
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
10065950.2

3 Тур
17
32
69
9
60
86
64
24
81
39
59
84
71
19
5
50
31
51
54
85
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
70023006.3

4 Тур
41
49
75
63
42
20
76
79
1
52
12
55
88
Сони: 2
Сумма: 2500000
Чипталар рақами
50103791.3
90068947.1

5 Тур
25
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
30071152.1

6 Тур
82
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
10065634.2
40086123.2

7 Тур
26
Сони: 3
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
20077319.1
60057463.2
70105182.3

8 Тур
28
Сони: 4
Сумма: 2000

9 Тур
62
Сони: 5
Сумма: 1500

10 Тур
68
Сони: 4
Сумма: 1200

11 Тур
21
Сони: 3
Сумма: 1000

12 Тур
90
Сони: 9
Сумма: 900

13 Тур
53
Сони: 6
Сумма: 800

14 Тур
37
Сони: 9
Сумма: 700

15 Тур
65
Сони: 17
Сумма: 600

16 Тур
46
Сони: 27
Сумма: 500

17 Тур
22
Сони: 48
Сумма: 400

18 Тур
43
Сони: 70
Сумма: 300

19 Тур
72
Сони: 91
Сумма: 200

20 Тур
44
Сони: 141
Сумма: 100

21 Тур
29
Сони: 286
Сумма: 100

22 Тур
83
Сони: 309
Сумма: 100

23 Тур
23
Сони: 567
Сумма: 100

24 Тур
2
Сони: 1352
Сумма: 100

25 Тур
66
Сони: 1550
Сумма: 100

26 Тур
15
Сони: 2393
Сумма: 100

27 Тур
7
Сони: 4707
Сумма: 100

Қўшимча тур
Сони: 154
Сумма: 300

Халтадан чиқмаган шарлар:
4,
6,
27,
36,
47,
73

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2003 йил 27 февралдаги 110- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:



Ва қуйида пул ютуқлари

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

ИНТЕР-СПОРТ

Мураббийни қўллаган теннисчи



Таниқли теннисчи Марат Сафин 23 ёшли Денис Голованови қўллади. Гап шундаки, Голованов кейинги пайтларда профессионал теннисчилар халқаро турнирларида иштирок этолмаётган эди. Бунинг сабаби, унинг иқтисодий қийинчиликка дуч келгани билан боғлиқ. Сафин эса Денисни мураббий сифатида қўллаб, унинг молиявий муаммосини ҳал этишга кўмаклашди. «Мен Голованова моддий ёрдам бериб келганман. Зеро, кейинги пайтларда у яна қийин аҳволда қолди. Шунинг учун мен унга ҳамкорлик қилишни таклиф этдим», дейди Марат Сафин.

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 13-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Дилмурод Рустамович Абдураимов номига берилган 227667 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар 55-махсус ҳунар-техника билим юрти томонидан Аппакходжаев Олимхожа Файзуллаевич номига 1988 йилда 948493 рақами билан берилган диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзбектелефильм» студиясига берилган 2127575370 рақамли ер кадастри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ